



2018 йил у.г «15» ОКТАБРА № 2240-К

Qo'shrabot t., - р Кушрабад

Қўшработ тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати, Ташкилий-назорат гуруҳи тўғрисидаги Низомларни ҳамда бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарорига мувофиқ туман ҳокимлиги бошқарув аппарати фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидагилар:

Қўшработ тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги Низом 1-иловага;

Қўшработ тумани ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Қўшработ тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифалари тақсимоти 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, бошқарув аппарати ходимлари ушбу қарор билан тасдиқланган Низомлар ва функционал вазифалар тақсимоти талабларига тўлиқ риоя этсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, Низомлар ва функционал вазифаларга риоя этилмаслиги уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жазо чоралари қўлланилишига асос бўлиб ҳисобланади.

3. Туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи (О.Ширинов) туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг барча ходимларини ўз вазифалари билан таништирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Х.Оқбутаев